



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 1 май, № 86 (4496)

Пайшанба

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИ — ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

«Ўзэксспомарказ»да очилган Биринчи республика инновация голяри ва лойиҳалари ярмаркасида сўнгги йилларда Ўзбекистон илмий муассасалари ва олий ўқув юртиларида яратилган ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга олти юздан ортиқ истиқболли илмий ишланмалар, технология ва технологик услублар намойиш этилмоқда. Тадбир Президент Ислам Каримов томонидан 2007 йил якунида бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида белгиланган иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш ва технология янгилаш бўйича вазифаларни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Департаментлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ушбу ярмаркани ўтказишга доир катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Ярмаркада вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, банклар, иқтисодиётнинг барча тармоқларига қарашли йирик корхоналар, қўлаб хусусий, жумладан, қўшма ва кичик корхоналар, фермер ҳўжаликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртилари, турли илмий марказлар, шунингдек, қўлаб халқаро ташкилотлар ҳамда молия тузилмалари вакиллари иштирок этмоқда.

Ярмаркада ёшлар вакиллари — ёш олимлар, аспирантлар, олий ўқув юртилари талабалари, касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейларнинг юқори курс ўқувчиларининг ҳам иштирок этаётгани унинг ўзига хос жиҳатларидандир.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорда рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган. Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Санақулов буни алоҳида таъкидлади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида улкан иқтисодий юксалиш кузатишмоқда. Республикаимизнинг инвестициявий жозибдорлиги ҳам тубдан яхшиланди. Кейинги уч йилда хорж инвестициялари оқими икки ҳиссага ошди, ўнлаб йирик инвестиция лойиҳалари рўйга чиқарилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Ислохот

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир» маърузасида матбуотни янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга доир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида бу борадаги вазифаларни кай тарзда бажарилаётгани атрафлича таҳлил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фўдаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари, олий ўқув юртиларининг журналистика факультети профессор-ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Қадрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси А. Мўминов,

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда 29-30 апрель кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланиш таъминлаш муаммоларига бағишланган «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик: унга эришиш йўллари ва усуллари» мавзунда халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Сиёсий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги ва Янги демократиялар институту (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Конференция ишида Осиё, Америка ва Европанинг 20 мамлакатидан хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи қирқдан зиёд сиёсатшунос ва экспертлар иштирок этди.

Форум қатнашчилари минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланиш таъминлаш масалаларини чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиб, қуйидаги қатъий хулосага келдилар: аҳолиси қариб 30 йилдан буён тинч ҳаёт нима-лигини билмай келаётган Афғонистондаги вазият бугун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишга, шунингдек, глобал хавфсизликка салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, экспертлар афғон муаммосини ҳал қилишнинг ҳарбий усуллари ўз имкониятларини батамом тугатди, деган яна бир муҳим хулосани баён этдилар. Афғонистон масаласини ҳарбий йўл билан ҳал этишга ортинча уриш самарасиз бўлиб, ушбу мамлакатдаги қарама-қаршилиқни яна-

да кучайтиришга олиб келиши мумкин. Қолаверса, бундай моҳироли вазият кўпчи мамлакатларга ҳам ёйилиши эҳтимолдан холи эмас.

Афғон муаммосини бартараф қилишнинг ягона йўли — Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликка эришишга доир муаммолар ечимининг тинч ва мақбул усуллари билан иборатдир.

Айни шу сабабдан конференция иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 3 апрель куни Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бора-бора илгари сурган тақдирларини кенг қўлаб-қувватладилар.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган

ташаббуслари минтақада хавфсизлик муаммоларини ечиш ишига жаҳоншумул аҳамиятга молик ҳисса бўлиб қўшилди, — деди Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази президенти, профессор В. Наумкин (Россия). — Моҳиятан, Ўзбекистон раҳбари томонидан оқиқ ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилди-ган янги модели тақдир этилди».

Кавказ тадқиқотлари маркази эксперти Парамжит Саҳай (Хиндистон) Ўзбекистон раҳбари Афғонистон муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишнинг аниқ, чуқур ўйланган йўллари тақдир этганини қайд қилиб, қуйидагича фикр билдирди: «Дарҳақиқат, афғон моҳирасига барҳам беришда фақат куч ишлатишга таъйинланган йўл ўзини оқламайд ва бу борадаги барча имкониятлар

ишга солиб бўлинди. Афғонистондаги вазиятни фақат кенг қўламли ҳамкорлик, сиёсий ҳамжиҳатликка эришиш билан ҳал этиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпчилик айнан шундай фикрда. Аввало, таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларга, Афғонистон иқтисодиётини тиклашга доир лойиҳаларга эътибор бериш керак. Шу нуктага назардан Президент Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган ташаббуслари факулдада муҳим аҳамиятга эга».

«Ўзбекистоннинг ташаббуслари гоият муҳимдир. Ҳар вақтида илгари сурилган бу ташаббуслар Афғонистонни барқарорлаштиришнинг самарали йўллари топишга кўмаклашди», деди Минтақавий тадқиқотлар институти президенти генерал Жамшид Абз Хон (Покистон). «Мен ҳарбий киши сифатида айтишим мумкин, — деб таъкидлади у, — эндиликда Афғонистонда ҳарбий куч билан тинчлик ўрнатишнинг барча имкониятлари батамом тугади. Айни вақтда Афғонистондаги барқарорлик кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга олиб келади, Марказий Осиёни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлади. Бу эса, ўз навбатида,

(Давоми 2-бетда).

ОРОЛБЎЙИ МИСОБАКА ҚАТНАШЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида шу йил май ойида Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтаётган «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларида иштирок этувчи жамоалар ўртасида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Нукус шаҳрида ўтган ушбу тадбирда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ўқув муассасалари раҳбарлари, илгор спортчи ёшлар, ўқувчи ва талабалар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг ҳар то-

«Баркамол авлод — 2008»

монлама баркамол воёга етишга қаратиладиган улкан эътибор ва ғамхўрлик ҳақида тўхталиб ўтилди. Шу маънода бу галги «Баркамол авлод» мусобақалари айнан Ёшлар йилида бўлиб ўтаётгани ҳам ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Мамлакат миқёсида ўтказилаётган ушбу беллашуларда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан уч мингга яқин йилгит-қиз спортнинг 12 тури бўйича голиблик учун кураш олиб боради. Айни пайтда мазкур нуфузли спорт байрамига Қорақалпоғистон Республикасида қизгин тайёргарлик кўриляпти. Нукус шаҳри ва Хўжалик туманидаги бир қатор таълим муассасалари, спорт масканалари мусобақаларга шай ҳолатта келтирилди. Айни пайтда республикада 530 дан ортиқ спорт зали, тўртта сузиш ҳавзаси, 3 минг 800 дан зиёд спорт майдончаси мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ТИВБИЁТ

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилган ислохотлар тўғрисида алоҳид тўғрисида. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўтган йиллар мобайлида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Юртимизнинг яқин ўтмишдаги ва айни кундаги тақдирини кўрсатиб, фикр юритган киши бугун ҳар жиҳатдан баркамол авлоднинг воёга етишисини, миллатни янада соғломлаштириш устувор давлат сиёсатида айланганлигини ҳис қилади.

Шу ўринда тасавури-миз янада ойдинлаштириш учун бундан 16-17 йил аввали аҳолини ёдга олиш ўринли бўларди. Ушундан нафақат иқтисодий ёки ижтимоий соҳа, балки соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болалик муҳофазаси ачинарли эди. Айёлларнинг аксарияти камқонлик касаллигига чалинган, болалар заиф ва касалланд туғиларди. Ўртача умр кўриш даражаси паст, гўдаклар ўлими ҳар миғ боллага 35 тани ташкил қиларди. Ҳатто, ўша давр Конституциясида, аввало, давлат манфаъатига устуворлик берилди. Мустақил мамлакатимизда инсон, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолди. Муболага эмаски, ўша даврнинг жонли гўдаклар — тиббиёт ходим-

БАРКАМОЛ АВЛОД, СОҒЛОМ ХАЛҚ

давлат сиёсатининг устувор йўналиши

лари эндиликда бу манзараларни оғир тўшдек эсласалар, ажаб эмас. Истиклолимизнинг илк пайтларидаёқ бу борада дастлабки амалий қадамлар қўйилди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги эътиборини нишонлади бўлди. Ёки ўша йилда мамлакатимизнинг дастлабки «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганлигини олайлик. Бу ҳам ўзининг буюк келажакка интиляётган халқимизнинг соғлом авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қарашидан, ҳар бир эгуишимиз замирида баркамол авлод ораси ўрни олишидан яна бир далолат эди. Ана шу тадбирларнинг ўз-ўзи давомий сифатида давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги

Фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши ислохотларнинг боришида туб бурилиш расди. Мамлакат стратегик таррақийти билан уйғун равишда ишлаб чиқилган

ҳамда шошилини тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини таккомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Табиийки, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг қўламини анча кенг. Юз берилган барча ўзгаришлар, ислохот самараларини бир мақола ҳақидада қамраб олиш мумкин. Шу бонис, биз тизимдаги оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ айрим жиҳатларни тилга олишни холис билдик. Зеро, аёлга ва ўсиб келмаётган ёш авлодга бўлган эътибор, бу — жамиятнинг эртаси ва келажакка эътибор демак. Қолаверса, она ва бола муаммоси жамият тараққийти билан боғлиқ ҳодиса. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур масалага жиддий эътибор қаратиляпти. Эндиликда оналар ва болаларга жиддий эътибор қаратиляпти. Мунсабат билан оиладаги маънавий-ахлоқий мезон доирасидан тиббий хизмат тизимини тубдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган тиббий марказлар

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш, эзу аъналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, асрлар давомида аجدодларимиз томонидан эъзозлаб келинган ва маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланган хўнармандчилик ҳамда халқ амалий санъатини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга ошириляптир.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилганга 10 йил бўлди

Президентимизнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган «Халқ бадийи хўнармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур Фармонга мувофиқ, «Хўнарманд» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма халқ амалий-бадийи санъати аъналарини асосида фаолият кўрсатаётган мусавирлар, халқ усталари ва хўнармандларни ўз атрофига бирлаштирди.

Маълумки, авваллари хўнарманд-усталар жонадон шароитида, кўпинча, яширин ҳолда

маҳсулот ишлаб чиқарар, турли таъқибларга дучор бўлар эди. Уларнинг эркин фаолият юритиши, салоҳиятини намойён этиши учун шароит йўқ эди. Мустақиллик ва Юртбошимизнинг ғамхўрлиги шарофати билан хўнармандларнинг ҳам елкасига офтоб теғди. Улар энди эмин-эркин маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш имкониятига эга бўлди.

Усталар ҳар йили Республика Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловига фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ва

(Давоми 3-бетда).

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими О. Оллабергенов бошқарди.

Ҳисобот даврида вилоятда янги худудий маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсди. Саноят ишлаб чиқариши 12,3, халқ истеъмоли моллари 15, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 5,7, чакана савдо 14 фоизга ошди.

Вилоятда саноятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Softonex» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида 1 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ускуналар ўрнатилиб, пахта толасини қайта ишлаш қуввати оширилди. Янгибозор ва Қўшқўпир туманларида Хитой технологияси билан жиҳозланган иккита ишт заводи ишга туширилди арасида.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш алоҳида аҳоли бандлиги даражаси ҳам ошиб бормоқда. Йилнинг дастлабки чорагида 10 миңдан зиёд янги иш жойлари яратилди. Лекин касаначилик имкониятларидан фойдаланишда сустхалик кузатишмоқда. Вилоятдаги саноят корхоналарида касаначилик асосида атиги 823 та янги иш ўрни очилган, ҳоло.

Қўшқўпир, Шовот, Урганч, Янгиерик туманларида тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни жалб этиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, гўлт-сут, мева-савзавот маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмаётгани таъкид қилинди.

Касб-ҳўнар коллежлари қурилишида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хива, Шовот туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас.

Фаоллар йиғилишида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар икроси, аҳолини озиқ-овاق маҳсулотлари ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган тадбирларни изчил амалга ошириш, галга ўрим-ийғимига пахта тайёрларик қўриш, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва галдаги вазифалар белгиланди.

Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чикди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.

Шунингдек, 2008 йилнинг биринчи чораги яқунлари бағишланган Фаоллар йиғилиши Наманган вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ МАЛИК НАБИЕВ

Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудолликка учради. Шу йилнинг 30 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, академик Малик Набиев 92 ёшида вафот этди.



Малик Набиев 1916 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1937 йили П. Бенъков номидаги Республика рассомлик билим юртида ўқитувчиликдан бошлади. 1958 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига фаолият юритиб, юзлаб истеъдодли ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатди.

Атоқли рассом ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти билан рангтасвир санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Мусаввирнинг буюқ тарихий шахслар ҳамда фидойи замондошларимизнинг сиймосини акс эттирган ёрқин асарлари маданий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилди.

Айниқса, рассом мўкаллага мансуб "Спитамен кўзголини", "Беруний портрети", "Тамарахоним", "Чўпон", "Шифокор Маҳмудова портрети", "Қурувчи" сингари асарлар ўзининг бадиий мукамаллиги билан ажралиб туради.

Малик Набиевнинг ижоди мустақиллик йилларида юксак поғонага кўтарилди. Бу даврда у самарали ижод қилиб, Бобур, Фитрат, Усмон Носир каби улуг ватандошларимиз образларини маҳорат билан яратди. Айниқса, 1994 йилда рассом томонидан яратилган буюқ ажодимиз Соҳибқирон Амир Темур портрети нафақат тасвирий санъатимиз ривожига, балки маданий ҳаётимизда ҳам улкан воқеа бўлди.

Малик Набиев ўзининг бор истеъдоди ва маҳоратини халқимизнинг эзгу фазилатларини, Ватанга муҳаббат туйғусини ёрқин бўёқларда акс эттириш, миллий рассомчилик санъатини янги босқичга кўтаришга сарфлади. Унинг асарлари мамлакатимиз ва қатор хоржий давлатларда ўтказилган халқроқ бадиий кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилди, нуфузли санъат музейлари ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Устоз санъаткор ўзининг педагогика фаолияти давомида кўплаб ёш иқтидор эгаларини тарбиялаб воғға етказди. Унинг бетақор асарлари, бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари ёш рассомлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

М. Набиевнинг маданиятимиз ва санъатимиз ривожига қўшган унутилмас ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби", "Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми" фахрий унвонлари, "Буюқ мизматлари учун" ордени ва бошқа юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Улкан ижодкор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Малик Набиевнинг порлоқ хотираси халқимиз қалбида доим сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Р. ҚОСИМОВ,
Т. ҚЎЗИЕВ, Ж. ИЗЕНТАЕВ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

хоржий давлатларда ўтказилган кўргазмаларда ўз махсуслотларини намойиш қилмоқда. Ўзбекистонлик устозлар маҳоратига, улар томонидан яратилган асарларга хоржийлик муҳлис ва мутахассислар юқори баҳо бераётди. Бир қатор вақтларимиз ЮНЕСКОнинг махсус сертификатига сазовор бўлгани бунинг далилидир. Усталаримизнинг тинимсиз изланишлари самарасида юртимизда Шарқ миниатюрасининг қоғоз, мато, чарм, тери, шойи ҳамда ёғоч буюмлар, хунармандчиликнинг қўлчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, қандакорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандиксозлик, бешкичилик, тўқима, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқуш, лок миниатюраси сингари турлари янада тарқайётган эди.

Халқ усталари томонидан Наманган вилоятидаги Ғуруссарой қўлчилик мактаби, ипак

тўқиш, матоларга табиий бўёқ бериш, Самарқанд қоғози ва қандоқчилик мактаби, Сурхондарёнинг қадим каштачилик анъаналари, қўлчилик мактаби, Андижон вилоятида дўппини оқар услубида тўқиш, Бобурийлар давридаги мусиқа асбоблари, Шахрихон пинчоқчилик, Тошкент қўлчилик мактаблари сингари халқ амалий санъати ва бадиий хунармандчиликнинг йўқолиб кетган турлари қайта тикланди.

Усталаримиз мамлакатимизда амалга оширилётган кенг миқёсли бунёдкорлик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Мустақиллик йилларида юртимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаган бино ва иншоотлар, маданий-маърифий муассасалар дейсиз-

ми, тарихий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш, муқаддас қадимзорларни обод этиш дейсизми, ҳамма-ҳаммасида хунарманд усталаримизнинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Баҳоуддин Нақибанд, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғинойий сингари улуг аждодларимизнинг ёдгорлик мажмуалари, пойтахтимиздаги Ҳазрати имом мажмуи сингари бетақор обидаларни қайта эшитишда қўли гул уста ва хунармандларнинг тенгсиз маҳорати яққол намойён бўлди.

Хунармандларнинг миллий қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига сadoқат руҳида тарбиялаш борасидаги

саъй-ҳаракатлари, юртимизда амалга оширилётган кенг миқёсли бунёдкорлик ишларига қўлаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда.

Кўплаб усталаримиз Ватанимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлган. Халқ устаси Абдуғани Абдуллаев эса Президентимиз фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан тақдирланган.

1998 йилнинг 1 майда таъсис этилган "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони хунармандларга бўлган юксак эътибор ва ғамўрчиликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ушбу унвон халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришда алоҳида хизмат қўсатган халқ ус-

таларига уларнинг миллий маданиятини янада ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўлланган ҳиссалари учун берилди.

Андижон вилоятининг Избоскан тумани Қўғай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймаkori Йўлбарс Утаганов шундай шарафга мушарраф бўлган усталаримиздан биридир. Уста ота-боболар касбини ардоқлаб, ўзининг қўли меҳнати, шарафли касби тўғрисида эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. 1999 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвонига сазовор бўлди.

— Бу юксак эътироф қўнимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди, — дейди уста. — Истиқлол шаро-

фати билан уста ва хунармандлар учун Ватанимизнинг фахрий унвони таъсис этилгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бу Юрбошимизнинг, халқимизнинг биз, хунармандларга бўлган юксак эътибори ва эҳтироми ифодасидир. Шундай экан, бундай эъзоз ва ишончга жавобан хунармандчиликни янада ривожлантиришда, бу соҳадаги анъаналаримизни муносиб давом эттиришда ёшларни тарбиялашда бор кўчимни аямайман.

Халқ ва Ватан манфаати йўлида хизмат қилаётган фуқароларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юртимизда амалга оширилётган ислохотлар замирида, аввало, инсон омили муқаддас эканлигини яна бир бор тасдиқлади. "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони нафақат соҳа вақилларига эътибор ифодаси, балки миллий қадрият ва анъаналаримизга юксак эҳтиром рамзи ҳамдир.

**Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎА шорҳовчиси.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ҲАМДА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНING**

теқширишларни тартибга солиш бўйича олиб бораётган амалий чора-тадбирларига қарама-қарши, назорат қилувчи органларнинг айрим ходимлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари хали ҳам рўй бермоқда.

Корхонангизга ташриф буюрган текширувчилар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишни назорат қилинг:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг ёки худудий комиссия қароридан кўчирма;
- назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи;
- текширувчининг хизмат гувоҳномаси;
- текширувчининг тегишли аттестациядан ўтказилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишга руҳсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси;
- назорат органи раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш режаси.

Агарда, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилинмаса, билингни, бу шахсининг текширишга ваколати йўқ!

Хурматли тадбиркорлар, юқорида кўрсатилган ҳолатларда ёки ҳақ-ҳуқуқларингиз бузилган ҳақда текширувчиларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари кузатилган ҳолатларда дарҳол Савдо-саноат палатасининг 150-60-06 рақамли ишонч телефони орқали муурожаат қилинг.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 6. Муурожаатингизга кўра, Палата белгиланган
тартибда ўз вақилларини тезлик билан юборади.**

**Сизнинг қонуний манфаатларингиз — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси ва қонунлари ҳимоясида!**

Текширувчилар ва тадбиркорлар қонун олдида тенг ҳуқуқлидир!

"INTEGRALASIA"

**17" мониторли
P4 компьютерлари**

Тошкентдаги омбордан
пул ўтказиш йўли билан ёки кредитга сотилади.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12,
тел.: 233-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integralasia.com

Вниманию руководителей организаций!

Организация предлагает в лизинг
и на условиях купли-продажи

**бетономешающую станцию
типа HZS50** производства Китая.

Производительность — 50 м³/час.

Срок поставки — апрель-май 2008 года.

Контактный телефон 252-28-95.
Факс 140-07-20.

Тошкентда «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюмси томонидан кооперацион биржа ва саноат ярмаркаси ўтказилди.

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА —
ILFOR ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган ушбу тадбирдан қўланган асосий мақсад, тизимдаги йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш орқали иқтисодийтеғимиз равангага муносиб улшў қўшишдир.

Айтиш жоизки, соҳада Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилаётгани, корхоналар модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани тўғрисида махсуслотлар тури ва ҳажми йил сайин ошиб бораётди. Буни жорий йилнинг биринчи чораги давомида уюшма тизимидаги корхоналар томонидан истеъмолчиларга 5,7 миллиард сўмлик махсуслот етказиб берилгани яққол кўрсатиб турибди.

Тармоқ саноат ярмаркаси ишида 44 та корхона қатнашиб, улар томонидан ноозиқ-овқат махсуслотлари намойиш этилди. Бу беҳиз эмас. Чунки ишлаб чиқариш суръатининг ошиши бевоқифа махсуслот тайёрлашда қўлланиладиган воситалар ҳамда ускуналарга боғлиқ. Шу боис, ярмаркадан технология ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлардан ташқари, озиқ-овқат махсуслотлари тайёрлашда фойдаланиладиган ўнлаб воситалар ўрин олди.

**Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сара уруғ керакми,
марҳамат!**

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими акциядорлик-тижорат банкларининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда томорқа эгаларига картошка, полиз ва сабзавот экинларининг сара ва сифатли уруғларини чекланмаган миқдорда етказиб берадиган кўча автодоконлар ташкил қилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, сабзавот уруғлари микозлар хоҳишига кўра, банк акратадиган қўшқунга имтиёздор равишда тарқатилади. Аниқроғи, уруғлик қарзини бир йил ичида 14 фоиз устамаси билан қайтариш шарти асосида бепул берилади. Бу қўлайлик шахсий ёрдамчи хўжалиқларни ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

**Абдунаби ХАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ НА ВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ

СПЕЦТЕХНИКИ из КНР

Гарантийное обслуживание техники в сервис-центрах

ВОЗМОЖЕН ВАРИАНТ ЛИЗИНГА

АВТОКРАНЫ

АВТОГРЕЙДЕРЫ

БУЛЬДОЗЕРЫ

САМОСВАЛЫ

АВТОБУСЫ

ЭКСКАВАТОРЫ

ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ

ОБОРУДОВАНИЕ

под заказ

Тел.: (+998-97) 420 00 59, 740 54 00 Факс: (+998-71) 281 50 93 E-mail: asiaenergyinvest@mail.ru

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в лизинг!

- максимальная грузоподъемность 8т
- максимальная длина стрелы — 30м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5м, наклонно — 57,5м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на раскрепощенных объектах

- КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 14 т
 - максимальная высота подъема — 14,5 м
- КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 16 т
 - максимальная высота подъема — 22 м
- КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 25 т
 - максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**Алоҳида ҳолда ИСИТИШНИНГ
янгича ечими
Газда ишлайдиган
АКОГ иситиш конвектори:**

- хонани тезда иситади;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
- совуққа чидамлик, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- бинолар, кotteжлар, дала ҳовлисидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ишлаб чиқарувчидан арзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади.
Етказиб бериладиган махсуслот сертификатланган.

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, 242-93-73.
E-mail: ubcazia@rambler.ru

**Телефон аппаратлари
улгуржи савдоси**

1 йил кафолат
Кенг моделлар қатори

- Корхоналар билан ишлаймиз
- Дилерларни ҳамкорликка таклиф қиламиз

Телефонлар: 8 (371) 234-25-97, 150-02-21,
+998 (90) 370-18-30
e-mail: mirada_tashkent@mail.ru

Кишлоқ хўжалиги махсуслотларини етиштирувчилар диққатига!

**«АГРЕГАТ
ЗАВОДИ» ОАЖ**

кенг ассортиментда тракторлар, чигит экиш сеялкалари, культиваторлар, плуглар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари бутловчи қисмларининг баҳорги мавсумий сотувини ўтказлади.

Завод 2008 йил 1 июнга қадар бутловчи қисмларни 30% чегирма билан сотади.

Манзилимиз: 100057, Тошкент ш., Уста Ширин к., 117-уй.

Таксимот бўлими телефонлари: 228-11-02, 248-16-51, 248-02-40.
Факс: 228-29-21, 248-02-40.

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИ — ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар роли тобора эътибор олади. Уларнинг амалга оширилиши эса, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардорлигини кўпайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш, хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш, янги бозорларни ташкил этиш имконини беради.

XXI асрда жаҳон ҳўжалик муносабатларида рақобат кўчаиб бораётгани сабабли иқтисодиётнинг инновация йўналиши мамлакатимизнинг ички бозорда импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаётган экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий-техника сиёсатининг устувор йўналишлари миллий иқтисодиёт эҳтиёжларига қараб белгиланаётган. Ушбу вазифага мувофиқ, мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг инновация йўналиши ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришни ўз ичига оладиган янги бозор механизми шаклланимоқда.

Жаҳон таърибаси шунга қўрсатмоқдаки, инновация илмий-техника фазолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — келажикда энг катта фойда келтирадиган инвестициядир. Шу боис Ўзбекистонда илмий-техника фазолини кенгайтиришнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ушбу жараёни ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келимоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солихов бугунги кунда Фанлар академияси тизимидаги барча муассасалар, олий ўқув юрталари, қўллаб-қувватлаш, илмий-техника марказлари ва компанияларнинг илмий бўлимлари фаолиятини ишлаб чиқаришнинг янги ҳамда прогноз қилинган эҳтиёжларига йўналтирилганини қайд этди.

Юздан ортқ илмий муассаса ва олий ўқув юрталари, инновация лойиҳаларини ишлаб чиқувчи озаб олимлар иштирок этаётган ушбу Биринчи республика инновация гойлари ва лойиҳалари ярмаркасини ўтказишдан қўзғалган мақсад, иқтисодиётнинг реал секторида энг яхши амалий илмий-технологик ва технология ишланмаларини тақдим этиш, шу тарққа, тармоқларни модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш ҳамда Ўзбекистонда бозор ишловларини жадаллаштиришга қўмақлашдан иборат.

Лойиҳаларни ички босқичда танлаш давомида тижорий ёки таъриб ўтказиш ва саноатга жорий этишга тайёр энг яхши инновация ишланмалари танаб олинди. Ярмаркада саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим бўйича ишланмаларнинг таъриба намуналари ва илова қилинадиган материаллари намойиш этилмоқда. Таклиф этилаётган барча лойиҳалар янгилиги ва долзарблиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Ярмарканинг биринчи кунидек қорхоналар ва лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ўртасида илм талаб маҳсулот ва технологияларни тижоратга жорий этиш ёки сотиб олиш учун қўймати бир неча миллилард сўмга тенг юздан ортқ шартнома имзолангани бежиз эмас. Бундай лойиҳаларнинг ажасияти уларни жорий этишни таъминлаётганларга юқори иқтисодий самарга эришиш имконини беради.

Фанлар академияси тизимидаги қўллаб муассасалар томонидан ишлаб

чиқилган асбоб-ускуна ва технологиялар ҳам ана шундай қўрсаткичларга эга. Электроника институтининг газли тақли қилиш приборлари, Ядро физикаси институтининг экстресс-тахлил ўтказиш учун мўлжалланган тежор тақли лабораторияси, «Кўёш-Физика» илмий-ишлаб чиқариш биравшаси Физика-техника институтининг фотозелект тизимлари ва қўёш нурлари ёрдамида гидропоршенли сув чиқариш мосламаси, Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг чигитни капсулалаш технологияси ҳамда табиий моддалардан синтез қилиш йўли билан олинган доривор препаратлар, Умумий ва ноорган кимё институтининг базальт толасидан иссиқлик ва шовқини қайтаридиган материал олиш технологияси ва бошқалар шунга жўмлашмоқда.

Шунингдек, ярмаркада мамлакатимиз олий ўқув юрталарининг интеллектуал маҳсулотлари ҳам кенг намойиш этилмоқда. Мирзо Улўбег номдаги Ўзбекистон Миллий университети қўллаб-қувватлаш лойиҳалари, жўмладан, ионни алмаштирадиган талаи сорбентлар ва модификация қилинган шולי крахмали-

лаш керакки, ушбу ишланмаларнинг ҳаммаси патентлар билан ҳўмоланган. Хорижий ишбилармон доиралар вакилларининг ярмаркага катта қизиқиш билдираётгани ҳам бежиз эмас. Эеро, Ўзбекистоннинг илмий-техника салоҳияти дунёда катта оёру-эътиборга эга. Халқаро технологиялар бозорига мамлакатимиз олимларининг тақдирлари натижаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Ярмаркада Франциянинг Европанинг турли давлатларида 8 та заводга эга бўлган йирик «Олимпик» компанияси вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз, — дейди компаниянинг Санкт-Петербургдаги филиали таъминот бўйича директори А. Дюгай. — Бўлғуси шерикларимизга бугун дунёда ўзининг юқори сифати билан маълум ва машҳур ўзбек пахта то-

ласидан наногазлама ишлаб чиқаришнинг ўзига хос технологиясини жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқчимиз. Бундай газламадан тайёрланган кийим инсон организмига шифобахш таъсир кўрсатади. Бу борада Ўзбекистоннинг қатор илмий тўзимлари вакиллари билан дастлабки музокаралар ўтказилди.

Уч кун давомида инновация гойлари тақдими, инновация фаолиятини ривожлантириш муаммолари ва истикболларини муҳокама қилишга бағишланган иккита дарава суҳбати ҳам ўтказилди.

Ярмаркадан қўллаётган асосий натижа — ҳўжалик юртувчилар билан инновация ишланмаларини жорий этиш бўйича шартномалар тузишдир. Ушбу жараён ярмарка очилган кўндандан бошлади. Масалан, Фаргона вилояти Бағдод туманидаги ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини ишлаб чиқариш хусусий лабораторияси раҳбари М. Саидов пойтахтга Тошкент давлат аграр университети билан тегишли қўрилмаларни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш учун келган.

— Ўсимликларни зараркўндалардан ҳимоя қиладиган фойдали ҳашаротларни етиштиришга доир ушбу қўрилмалар энг илгор технологиялар асосида яратилган, — дейди М. Саидов. — У фермерларимиз эҳтиёж сезаётган энтомофагларни қўпайтириш жараёнини анча тезлаштиради. Ярмарка ташкилотчиларидан республикамиз олимларининг энг яхши ишланмалари билан танишиш ва кейинчалик уларни амалиётга таъбиқ этиш учун сотиб олиш имкониятини яратгани учун миннатдоримиз.

Ярмарка амалий фаннинг иқтисодиётнинг ёрқин намунасига айланган ва, шўбҳасиз, барча тармоқларни янада инновациявий ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, Ўзбекистоннинг илмий-техника ва ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга ёрдам беради.

Ярмарканинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Қосимов, Э. Шомижатов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
«Минск шахридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ ҳўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шахрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма қорхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.
Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона

САВР КИРДИ — ЭКИНЛАРГА ДАВР КИРДИ

Шамсия йил тақвимида кўра, савр оий бошланди. Бу ой кирганини об-хаводан илғаб олса бўлади. Негаки, унинг хавоси баъзан исиб ёзга тортса, баъзида ҳарорат пастлаб, ёгингарчилик мўл бўлади. Шу боис халқимиз «Саврнинг саноғида қишининг ёғини бор», дейди.

Савр — дехқону қорвадорларнинг иш даври. Бу пайтда кун узайиб бориши уларни далага, пайкал бошига қорлайди. Нега деганда, шу кўнларда бошоқлаган ғалла, сўнги бор озмиқланган, ғўза ниҳоллари парварishi авж олади: бегона ўтлардан тозаланиб, яғана ва қорик қилинади, ой охирида култивацияга зўр берилади.

Савр пишиқчилик мавсумининг бошланиш оий ҳамдир. Бу ойда эртанги картошка, қарам, сабзи, шолғом, бодирин таро-зига тушади, гилос ранг олиб, тут ва қулундай пишади. Бошқа экин-тикинлар эса барқ уриб ўсади. «Савр кирди — экинларга давр кирди» дейлишининг маъноси шу, аслида.

Энди келаетган беш кунлик учун об-хаво маълумоти билан танишинг. «Ўзгидромет» дан хабар қилишларича, 1-3 май кўнлари мамла-

катимизда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Фақат 3 майда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим жойларида ёмғир ёғиши мумкин. 4-5 майда эса республикамизнинг баъзи ҳудудларида момақалдироқ бўлиб, ёмғир ёғиши қутилапти.

Шамол ғарбдан 7-12 м/с. тезликда эсиб, 4-5 майда баъзи жойларда 15-20 м/с.гача қучайиши мумкин. Ҳарорат 1-3 майда кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ, 4-5 майда кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Шу кўнларда республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, 1-3 май кўнлари ёгингарчилик қутилмайди. 4-5 майда қисқа мuddатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат 1-3 майда кечаси 9-14, кундузи 20-25 даража, 4-5 майда эса кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.



Муҳимий номидаги музикали драма ва комедия театрида Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган «Менинг уйим — менинг шахрим» кўрик-танловининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

«Менинг уйим — менинг шахрим»

«Экосан» халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳўжимлиги, «Махсутранс» ишлаб чиқариш қорхонаси ҳамда шаҳар «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтлик ота-хону онахонлар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Танлов «Менинг уйим — менинг шахрим», «Ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» ҳамда «Махсутранс»нинг энг яхши экипажи» каби йўналишларда ўтказилади. Ҳолиларни тақдирлаш маросими Тошкентнинг 2200 йиллик тантаналари арафасида бўлиб ўтади.

Тақдиротда «Экология ва саломатлик кўнлари» доирасида ўтказилиб келинаётган «Ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» ва «Махсутранс»нинг энг яхши экипажи» кўрик-танловининг 2007 йилги ҳолиларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Дилмурод СОДИҚОВ.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

15 майдан самолёт бортида хизмат кўрсатишининг янги усули

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛИДИР МОСКВА — 242 евро ва ундан юқори (бир томонга)

- алоҳида ажратилган жойларда ёки навбатсиз рўйхатдан ўтиш
- самолёт салоҳи ўртасидаги жойлар ва қиялик бурчаги катта суянчиқли янги, қулай креслолар
- мозали таомлар, сафар тўплемлари
- парвоз қилиш кўнини бепул ўзгартриш ва авиочипталарни жеримасиз қайта топшириш

Тел.: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25. www.transaero.ru

SMS байрами

SMS-Пакетлар

SMS-Пакетлар	Пакетлардаги SMSлар сони	Пакет нархи	Пакетни активлаштириш учун USSD-номера
SMS 60	60	\$1	*111*017*1#
SMS 150	150	\$2	*111*017*2#
SMS 250	250	\$3	*111*017*3#

Қанча кўп бўлса, шунча арзон!

Битта рақамга бир вақтнинг ўзида иккита «SMS-пакет» улаш мумкин. Акция 2008 йил 31 майгача амалда бўлади.

Улов ҳар бир пакетни активлаштиришда абонент ҳисобидан олинди. Ҳар бир SMS-пакетга киритилган хабарлардан активлаштириш кўнидан бошлаб 30 кўп ичига фойдаланиш мумкин.

Халқаро чўнғуви: SMS-хабарлар ва контент-провайдерлар хизматлари бўйича SMS-маълумотлар ўрнатилган тарифлар бўйича нарқланади.

МТС алоқа оператори

0890 моб. тел.: (+998 97) 130 00 00, 131 00 00, 103 00 00 www.mts.uz / wap.mts.uz

Хизматлар лицензияланган.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч.13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуши — 05.30

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршинов.
Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолиметова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Муасхўҳ — Ҳ. Тошқўжаев.

Тошхирлиди — 06.20 1 2 3 4 5 6 8